

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2022 йил июнь ойининг 20 куни, жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар суди,
очиқ суд мажлисида, суд биносида

Раислик қилувчи судья: Б.Эсанбаев,

судья ёрдамчиси С.Курбонбекованинг котиблигида, тарафлардан давлат
айбловчиси, Ангрен шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Б.Камилов, судланувчи
Хxxxxxxxxx ва жабрланувчи М.Аскаророванинг иштирокида, Хxxxxxxxxxга оид 1-
1104-2202/160 - сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Хxxxxxxxxx (xxxxxxxxxxxxxxxxxxxx) - 1981 йил 3 декабрда
Наманган вилояти Наманган шаҳрида туғилган, миллати ўзбек,
Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус,
оилали, тўрт нафар фарзандлари бор, муқаддам судланган:

1) жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 2014 йил
13 январдаги ажримига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг
168-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши “Амнистия
акти”га асосан ҳаракатдан тугатилган;

2) жиноят ишлари бўйича Косонсой туман судининг 2014 йил
9 февралдаги ажримига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг
168-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши “Амнистия
акти”га асосан ҳаракатдан тугатилган;

3) жиноят ишлари бўйича Норин туман судининг 2014 йил
12 майдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг
168-моддаси 2-қисми “б” банди билан 1 йил 6 ой муддатга ахлоқ
тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

4) жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2015 йил
13 апрелдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг
168-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан айбдор деб топилиб
“Амнистия акти”га асосан жазодан озод қилинган;

5) жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2015 йил
13 апрелдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг
168-моддаси 2-қисми “б” банди ва 28,211-моддаси 1-қисми
билан ЖКнинг 59,60,61-модаларига асосан 3 йил 6 ой муддатга
озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари
бўйича Зангиота тумани судининг 2016 йил 4 февралдаги
ажримига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасига
асосан ўталмай қолган 2 йил 6 ой 12 кун озодликдан маҳрум
қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига
алмаштирилган;

6) жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2018 йил
30 мартдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг
168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖКнинг



60,61-моддаларига асосан 5 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2020 йил 8 сентябрдаги ажримига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 2 йил 6 ой 1 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2021 йил 17 декабрдаги ажримига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддасига асосан ўталмай қолган 2 йил 2 ой 3 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 2022 йил 14 мартдаги ажримига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 11 ой 6 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Чинобод м.ф.й, Дилшод кўчаси 11-уйда яшаган, жиноят ишлари бўйича Ангрэн шаҳар судининг 2021 йил 29 октябрдаги ажримига кўра сиртдан “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилган, 2022 йил 28 мартда ушланиб қамоққа олинган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 5 май куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Хххххххххх 2021 йил тахминан март ойининг бошларида, ўзганинг мулкани алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан талон-тарож қилиш мақсадида Ангрэн шаҳар Янги Гўшсой МФЙ 2-тор кўчаси 1-уйда яшовчи 16.05.1976 йилда туғилган Аскарова Мавлюда Абдулазимовнанинг ишончига кириб, унинг номига кредит расмийлаштиришга эришиб, 33.400.000 (ўттиз уч миллион тўрт юз минг) сўм кредит маблағларига олинган 6 та комплект тикув машинасидан, умумий баҳоси 14.500.000сўм бўлган 2 та комплект “Jak averlovka” ва “Распишалка” тикув машинасини янгисига алмаштириб келишини айтиб, уни алдаб, М.А.Аскаровага 14.500.000 сўм моддий зарар етказиб, фирибгарлик йўли билан қўлга киритган пулларни ўзининг эҳтиёжларига ишлатиб юборган.

Суд мажлисида судланувчи Хххххххххх айбига тўлиқ иқрор бўлиб, судга у Зангиота туманида жойлашган манзил калониясида жазо муддатини ўтаётган вақтида Илёс исмли бола билан танишиб қолганлигини, у билан алоқалари яхши бўлганлигини, 2020 йил сентябрь ойида манзил калониясидан чиқиб, ахлоқ тузатиш



жазосини ўташ учун Наманган шаҳрига қайтиб келганлигини, 2021 йил тахминан январь ойининг охирида унинг телефон рақамига Илёс телефон қилиб қолганлигини, у билан суҳбат давомида Илёс унга “ака бирор бир иш қилайлик, пул бўлса тикинг” деганлигини, ундан “Ангрен шаҳрида пул бўлса нима иш қилса бўлади” деганлигини, Илёс унга “бозорда колбаса олиб сотсак ҳам, кўмир олиб сотсак ҳам бўлади” деганлигини, унга бу таклифи маъқул тушганлигини, ундан “кўмирга қанча пул тикса бўлади” деганлигини, унга “ака ўзингиз билан 2.000.000 сўм олиб келинг, шу пулга кўмир сотиб олиб, фойдасини кўрамиз, шунга қараб ишлаймиз” деганлигини, унинг гапларига рози бўлиб, ўзи билан 2.000.000 сўм олиб, Ангрен шаҳрига келганлигини, Илёс уни кутиб олганлигини, унга “нима иш қиламиз, кўмир олмаймизми” деганлигини, унга “ака менга 1.000.000 сўм пул бериб туринг” деганлигини, унга 1.000.000 сўм пулни бериб юборганлигини, ўзи мехмонхонада қолганлигини, эртаси куни Илёс олдига келмаганлигини, кейин уни қидириб уйига борганлигини, уйда унга нотаниш бўлган кейинчалик исми аниқ бўлган Мавлюда опани кўрганлигини, онасига ўғли ундан пул олганлигини маълум қилганлигини, кейин унинг онаси унга пулни қайтариб берганлигини, у тахминан 7 ҳафта Ангрен шаҳрида юрганлигини, лекин Илёс билан ҳеч қандай иш бошлай олмаганлигини, пули қолмагандан сўнг, Мавлюда опанинг уйда қолганлигини, кейин улар унга бирор бир иш бошлашни таклиф қилганлигини, уларга чевар эканлигини, тикиш билан шуғулланишини, бирор бир тикув цехи очса бўлишини айтганлигини, уларга унинг бу таклифи маъқул тушганлигини, кейин ўзаро келишиб, Мавлюда опанинг номига имтиёзли кредит олишга қарор қилганликларини, сабаби шу вақтда аёлларга тадбиркорлик билан шуғулланиши учун имтиёзли кредитлар ажратилаётган бўлганлигини, кейин у уйга қайтиб кетганлигини, улар унга кредит чиққандан сўнг телефон қилишларини маълум қилишганлигини, уйга борганидан сўнг тахминан 15-20 кун ичида Мавлюда опанинг ўғли Асомиддин унга телефон қилиб, “ака Ангрен шаҳридаги таъминотчи фирмада тикув машиналари бор экан, келиб кўрмайсизми” деганлигини, у эртаси куни боришини айтганлигини, кейин эртаси куни Ангрен шаҳрига келиб Асомиддин айтган фирмадаги тикув машиналарни кўрганлигини, ушбу машиналар унга маъқул келганлигини, кейин банкдан Мавлюда опанинг номига имтиёзли кредит чиқиб таъминотчи фирмага тушириб беришганлигини, шундан сўнг, таъминотчи фирмадан 6 дона тикув машиналарни олиб келиб, Мавлюда опанинг яшаш хонадонига келиб ўрнатганлигини, шундан сўнг улардан 2 дона яъни 1 дона “швений” ва 1 дона “распешалка” тикув машиналарни бошқасига алмаштириб келаман деб, уларни Мавлюда опанинг уйдан олиб кетганлигини, кейин ушбу кетган тикув машиналарни ўзига пул керак бўлиб қолганлиги учун Мавлюда опаларга маълум қилмасдан 700 АҚШ долларига нотаниш шахсга сотиб юборганлигини, сотилган пулни ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганлигини, шундан сўнг пулни ишлатиб юборганлиги сабабли Мавлюда опанинг уйига қайтиб бормаганлигини, улар унга телефон қилишганлигини, уларни турли хил баҳоналар қилиб алдаб келганлигини, охири вақтларда телефонини ҳам ўчириб қўйганлигини, шундан сўнг Наманган шаҳар пробацция бўлими томонидан ахлоқ тузатиш ишлари



жазоси озодликдан маҳрум қилиш жазосига ўзгартирилиб Навоий шаҳар 11-сонли ЖИЭЖ жўнатишганлигини, у ердан 2022 йил 15-март куни чиқиб келганлигини, ҳозирги кунга қадар Мавлюда опага етказилган моддий зарарни қоплаш имконини қила олмаганлигини, қилмишидан пушаймондалигини, имкон даражасида жабрланувчига етказилган моддий зарарни қоплаб беришини кўрсатиб, суддан унга қонуний енгиллик, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўради.

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи Асқарова Мавлюда Абдулазимовна, 2021 йилнинг март ойи ўрталарида унга олдиндан нотаниш бўлган кейинчалик исми аниқ бўлган Ххххххххх Ангрен шаҳар Янги Гўшсой 2-тор кўчаси 3-хонадонига кириб келиб қолганлигини, кейинчалик билишича, Алишер уни кичкина ўғли Зайнобиддинов Исёсиддин билан бирга битта манзил колониясида жазо муддатини ўтаганлигини, шундан сўнг Алишер билан танишганлигини, орадан бироз вақт ўтганидан сўнг кичкина ўғли Илёсиддин, Асомиддин ўғиллари ҳам уйга кириб келганлигини, кейин Алишерни уйга олиб кириб меҳмон қилганлигини, шундан сўнг Алишер уйларига тез-тез келиб турганлигини, бир қанча вақт ўтганидан сўнг Алишер унга “Хола анча қийналиб қолганга ўхшайсиз, сизларда хунармандчилик пассив экан, агар рози бўлсангиз, уйингизни иккинчи қаватига тикув цехи очсак, ишимиз зўр бўлади, учта ўғлингиз ҳам ишли бўлади, тикув цехида майка билан футболка ишлаб чиқарамиз, катта ўғлингиз тайёр маҳсулотларни Тошкентга олиб бориб топшираверади, банкларга айтсак фирмалар билан шартномалар тузиб беради, фақатгина сизнинг номингизга имтиёзли кредит олишимиз керак, бу учун сизни аёллар дафтарига киритиб, кўямиз” деб уни тикув цехини очишга қизиқтириб борганлигини, аввалига у унинг таклифига рози бўлмаганлигини, кейин кичкина ўғли Ассомиддин унинг таклифига қизиқиб қолганлигини, Алишер уни олдига келиб, “хола сиз ҳавотир олманг, ҳаммаси зўр бўлади, яхши даромад қиламиз, рози бўлаверинг” деганлигини, уни таклифига қизиқиб ҳам ишониб рози бўлганидан сўнг Алишер уни номидан кредит олиш мақсадида барча ҳужжатларни тайёрлаб чиққанлигини, у банкка бориб ҳужжатларга имзо қўйганлигини, у уни номига тикув машиналарини олиш учун имтиёзли кредит олганлигини, орадан бир қанча вақт ўтганидан сўнг уни номига кредит чиққанлигини, шундан сўнг ушбу кредит пулларини унга нотаниш бўлган фирмага ўтказиб ундан 6 дона тикув машинасини ва 1 дона дазмол олиб келганлигини, уларни Алишер уйга жўнатганлигини, эртаси куни Алишер ушбу тикув машиналарни бошқасига алмаштириб келишини маълум қилиб 2 дона нархи 5.600.000 сўм бўлган “Jak averlovka” ва 8.900.000 сўм бўлган “Распишалка” русумли тикув машиналарини олиб кетиб унга 14.500.000 зарар етказганлигини, шу билан Алишер уйларига қайтиб келмаганлигини, у бу орада бир неча маротаба унга телефон қилганлигини, у ҳар сафар уни турли хил бахоналар билан алдаб келганлигини, охири телефонини ҳам ўчириб ташлаганлигини, ҳозирги кунга қадар унга етказилган моддий зарар қоплаб берилмаганлигини, судланувчига даъвоси борлигини кўрсатиб, суддан судланувчига нисбатан қонуний чора кўришни ва унга етказилган 14.500.000 сўм моддий зарарни ундириб беришни сўради.



Суд мажлисида гувоҳ Зайнабудинов Ғиёсиддин Хусниддин ўғли судга, у ҳозирги кунда ишсизлигини, ота-онасидан алоҳида ўзининг турмуш ўртоғи ҳамда оиласи билан бирга яшашини, укаси Зайнабиддинов Илёс озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазо муддатини ўтаганлигини, шу пайтлари у Ххххххххх Алишер исмли одам билан танишиб қолганлигини, 2021 йилнинг тахминан март-апрел ойларида укаси жазосини ўтаб чиққанлигини, у билан бирга таниши Алишер ака ҳам чиқиб келганлигини, ундан кейин Алишер ака уларнинг Янги гўшсой 2-тор 3-уйга бир неча маротаба укасининг олдига меҳмонга келиб турганлигини, бир куни у онасига тадбиркорлик қилиш таклифини берганлигини, онасига уйлари тикувчилик қилиш учун қулайлигини, ўзи ҳам тикувчилик қилишини, агар банкдан кредит олишса, уйларида тикув цехини очиши мумкинлиги ҳақида айтганлигини, онаси унинг гапларига ишониб, бирга бориб “Халқ” банкдан 34.400.000 сўм миқдордаги кредит маблағларини олиб, шу пулга 6 дона тикув машинасини сотиб олишганлигини, ушбу тикув машиналарни юқорида кўрсатилган манзилдаги уйларида ўрнатиш жараёнида Ххххххххх Алишер улардан 2 донасини яхшироғига алмаштириб келишини айтиб, тикув машиналарнинг комплекти билан бирга олиб кетганлигини, шу билан у бошқа қайтиб келмаганлигини, суриштирув жарёнида Ххххххххх илгари фирибгарлик жиноятлари билан бир неча маротаба судланганлигини билганлигини кўрсатиб, суддан уларга етказилган моддий зарарни ундириб беришни сўради.

Суд мажлисида гувоҳ Аскарров Хусниддин Зайнабудинович судга гувоҳ Ғ.Зайнабудиновни кўрсатувларига ўхшаш кўрсатув берди.

Судланувчи Хххххххххнинг айби, суд мажлисида ўз айбига тўлиқ иқrorлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, шунингдек юзлаштириш баённомаси (и.в. 90-93) ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар мажмуи билан ўз исботини тўлиқ топган.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Хххххххххнинг фирибгарлик, яъни хавфли рецидивист бўла туриб алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддаси 1-қисмида, суд содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, алоҳида ҳолларда ушбу Кодекс Махсус қисмининг моддасида назарда тутилган мазкур жиноят учун белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги жазони тайинлаши мумкинлиги; 3-қисмида, содир этилган қилмиш хусусиятларини ифодаловчи ҳолатлар, яъни айбдорнинг шахси, айбининг шакли ва даражаси, жиноят қилиш шароити ва сабаблари, шахснинг жиноятни содир қилгунча ва ундан кейинги хулқ-атвори жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топилиши мумкинлиги;



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7, 8-моддаларида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозимлиги назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 28-бандида, судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий тамойилларидан бири инсонпарварлик тамойили эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши кераклигига қаратилиши, ушбу принципга биноан жазолашдан кўзланган мақсадга энгилроқ чора қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкинлиги, судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, етказилган зарар миқдори ва хусусияти, шахси, унинг жавобгарлигини энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги ва булардан келиб чиқиб, судланувчининг жавобгарлиги даражаси хусусиятига қандай ҳолатлар таъсир этганлиги, унинг шахсини тавсифловчи суд муҳокамасида тасдиқланган ва ЖК 54-моддасига биноан жазо тайинлашда суд томонидан ҳисобга олинган бошқа ҳолатларни ҳукмда кўрсатиб ўтиши лозимлиги;

2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида, ЖКнинг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги; 11-бандида, суд биринчи марта жиноят содир этган шахсга қонун санкцияси доирасида энгилроқ жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиши лозимлиги; тайинланган жазо жиноятнинг оғирлиги ва маҳкумнинг шахсига мутаносиблиги синчиклаб текширилиши лозимлиги, суднинг содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, етказилган зарар миқдори, айбланувчининг шахси, жазони энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар, айблов ҳажми, айб шакли ҳақидаги хулосалари нотўғри деб топилган ва шу муносабат билан ҳукмга ўзгартиришлар киритилган тақдирда, апелляция ва кассация инстанцияси суди ўз қарорини асослантирган ҳолда маҳкумга нисбатан тайинланган жазони энгиллаштириш масаласини муҳокама қилиши шартлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.



Суд, юқоридаги Қонун ва Пленум Қарорлари талабларига амал қилиб, судланувчи Ххххххххга нисбатан жазо тури ва меъёрини тайинлашда содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиш билан бирга, унинг муқаддам судланганлигини, жабрланувчига етказилган моддий зарар қопланмаганлигини, жабрланувчиларни даъвоси бўлиб моддий зарарни қоплашни сўраганлигини, шунингдек айбига иқроп бўлиб қилмишидан пушаймондалигини, оилавий шароитини, тўрт нафар фарзанлари борлигини, ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи бошқа барча ҳолатларини инобатга олиб у айбланаётган ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми санкциясида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси кўрсатилганлигини бироқ Хххххххх ҳеч қаерда ишламаганлиги учун унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, у содир этган ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жазо тайинлашни;

-шунингдек ЖКнинг 60-моддаси тартибида жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2018 йил 30 мартдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖКнинг 60,61-моддаларига асосан 5 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2020 йил 8 сентябрдаги ажримига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 2 йил 6 ой 1 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2021 йил 17 декабрдаги ажримига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддасига асосан ўталмай қолган 2 йил 2 ой 3 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 2022 йил 14 мартдаги ажримига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 11 ой 6 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган муддатини тайинланадиган жазога қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 453-457, 463, 465-468, 473-моддаларига асосан суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Хххххххххх Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ххххххххххга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 4 (тўрт) йил 3 (уч) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.



Хххххххххга ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 2022 йил 14 мартдаги ажримига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 11 ой 6 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган муддатини тайинланган жазога қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун 4 (тўрт) йил 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси қаттиқ тартибли колонияларда ўтаттирилсин.

Жазо муддати 2022 йил 28 март кунидан ҳисоблансин.

Унга нисбатан қўлланилган «қамоққа олиш» тарзидаги эҳтиёт чораси аслича, ўзгаришсиз қолдирилсин.

Судланувчи Хххххххххдан жабрланувчи Аскарова Мавлюда Абдулазимовна фойдасига 14.500.000 (ўн тўрт миллион беш юз минг) сўм моддий зарар ундирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма суткалик муддат ичида, маҳкум ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олгандан сўнг шу муддат ичида шу суд орқали Тошкент вилоят судининг жиноят судлов хайъатига апелляция тартибида шикоят, прокурор эса протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи:

имзо

Б.Эсанбаев

Аслига тўғри:

